2009 йил Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

# Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

ISSN 2010-7021

O‘zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi | www.qishloqhayoti.uz | 2009 YIL 13 FEVRAL, JUMA, 20 (7481) - son | 1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan | Bahosi kelishilgan narxda.

# ЁШЛАР КАМОЛОТИ ЙЎЛИДА

Истиқлол йилларида келажагимиз ворислари бўлмиш ёшларнинг таълим-тарбиясига мамлакат миқёсида катта эътибор берилмоқда. Бу энг чекка ҳудудларда ҳам замонавий таълим даргоҳларининг бунёд этилаётганида намоён бўлмоқда. Наманган вилоятида “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” режасига асосан ҳозирга қадар 115 та турли касб-ҳунар коллежлари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ўтган йили вилоят бўйлаб 11 та касб-ҳунар коллежи биноси реконструкция қилинди ёки янгидан қурилди.



Наманган шаҳридаги ижтимоий-иқтисодий ва педагогика коллежининг муҳташам биноси "Отамирзаев" номидаги кўчада қад ростлади. Таълим даргоҳининг замонавий ва кўркам биноси шаҳар кўркига кўрк бағишлади.

— Коллеж қурилиши учун 2 миллиард 242,8 миллион сўм маблағ сарфланди, — дейди коллеж директори Дилшода Каримова. — Қурувчиларимизга ҳам катта раҳмат, улар қисқа вақт ичида бизга шундай ажойиб кошонани туҳфа этишди. Ўқув даргоҳимиз 885 нафар талаба-ёшларга мўлжалланган. Талабалар асосан бешта йўналиш бўйича, яъни бухгалтерия ҳисоби, банк иши, бошланғич таълим, мактабгача тарбия ва оилавий таълим ҳамда жисмоний тарбия ва болалар спорти мутахассисликлари бўйича таълим ҳамда кўникмага эга бўлишмоқда. Барча қулайликларга эга ўқув-лаборатория хоналари, спорт зали, кутубхона, ошхона ёшлар ихтиёрида. 27 нафар тажрибали ва малакали ўқитувчи билим ва тажрибаларини ишга солган ҳолда ёшларга пухта билим беришмоқда.

**СУРАТДА:** *коллежнинг ёш, изланувчан ўқитувчиларидан бири Зилола Отамирзаева талабалар даврасида.*

**Маъмур МУСУЛМОНОВ олган сурат.**

*Наманган вилояти*

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК МАРКАЗИДА 12 ФЕВРАЛЬ КУНИ САВДО-ИҚТИСОДИЙ, ИЛМИЙ-ТЕХНИКАВИЙ ВА МАДАНИЙ ҲАМКОРЛИК БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН-ТУРКМАНИСТОН ҚЎШМА КОМИССИЯСИНИНГ НАВБАТДАГИ МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ.

# Ўзбекистон-Туркманистон: ҚЎШМА КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

Тадбирда икки мамлакатнинг савдо, иқтисодиёт, ёқилғи-энергетика, банк-молия, таълим, қишлоқ ва сув хўжалиги, транспорт ва транспорт коммуникациялари, божхона, спорт ва маданият, сайёҳлик каби соҳаларда фаолият кўрсатаётган қатор вазирлик ва идоралари, фирма ва компаниялари вакиллари иштирок этди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири, қўшма комиссия ҳамраиси Элёр Ғаниев Ўзбекистон билан Туркманистон ўртасидаги алоқалар барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2007 йил октябрь ойида Туркманистонга, Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедовнинг 2008 йил март ойида Ўзбекистонга давлат ташрифлари ўзаро муносабатларни янги босқичга кўтариш учун янги имкониятлар яратди.

Туркманистон савдо ва ташқи иқтисодий алоқалар вазири, қўшма комиссия ҳамраиси Нокергули Атагулиев Туркманистон Ўзбекистон билан барча йўналишларда ҳамкорликни изчил ривожлантириш тарафдори эканини алоҳида таъкидлади.

Мамлакатларимиз ўртасида ўзаро ҳамкорликка оид юздан зиёд ҳужжат имзоланган. Икки томонлама алоқалар Дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам ҳамда Дўстлик, ишончни мустаҳкамлаш ва ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисидаги шартномалар руҳида изчил ривожланиб бормоқда. Қўшма комиссия мунтазам равишда мажлислар ўтказиб келаётгани ўзаро иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлашдан икки томон ҳам бирдек манфаатдор эканидан далолатдир.

— Туркманистон Ўзбекистонда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотларни катта эътибор ва хайрихоҳлик билан кузатиб келади, — деди Н.Атагулиев. — Ўзбекистон бошқа соҳалар қатори иқтисодий жабҳада ҳам улкан ютуқларга эришаётгани диққатга сазовор. Мақсадимиз — мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик, ўзаро ҳурмат, ишонч ва манфаатдорлик асосига қурилган кенг кўламли ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашдан иборат.

Ўзбекистон билан Туркманистон ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2008 йили 132,3 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. Бу 2007 йилдагига нисбатан 38 фоиздан кўпроқ, демакдир. Мамлакатларимиз ўртасида, айниқса, транспорт коммуникациялари соҳасидаги ҳамкорликнинг қамрови кенг. 2008 йили Ўзбекистонга қарашли автомобиль транспортида Туркманистон ҳудуди орқали олиб ўтилган юклар ҳажми йигирма икки минг тоннадан ошади. Туркманистоннинг Ўзбекистон ҳудуди орқали ташиладиган юкларига оид кўрсаткич ҳам шунга яқин.

Гуманитар соҳадаги алоқалар изчил ривожланмоқда. Икки мамлакатнинг маданият ва санъат намояндалари Ўзбекистон ва Туркманистонда ўтказиладиган фестиваль ва кўргазмаларда, йирик конференция ва семинарларда мунтазам қатнашиб келади.

Мажлисда икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари ҳақида фикр юритилди. Савдо, ёқилғи-энергетика мажмуи, банк-молия, қишлоқ ва сув хўжалиги, транспорт ва транспорт коммуникациялари, божхона, спорт ва маданият, сайёҳлик каби соҳалардаги алоқаларни янада кенгайтириш, Туркманистон компанияларини юртимиздаги хусусийлаштириш жараёнига кенг жалб этиш, икки томон учун ҳам манфаатли бўлган қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имкониятлари юзасидан атрофлича фикр алмашилди. Қўшма корхоналар сони ва ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини оширишга оид масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

**Нодира МАНЗУРОВА, ЎзА мухбири.**

## Куннинг муҳим воқеалари

○ **Темурийлар тарихи давлат музейида Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудига бағишланган кеча бўлиб ўтди. Унда олимлар, талаба ва ўқувчилар, мумтоз адабиёт ихлосмандлари иштирок этди.**

○ Самарқандда Адлия вазирлиги ташаббуси билан жамиятда ҳуқуқий маданиятни янада юксалтириш борасида амалга оширилган ишлар ва келажакдаги режалар мавзуига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Тадбир оммавий ахборот воситаларида ёритилаётган адлия тизими фаолиятига оид материаллар сифатини янада яхшилаш, мутасадди идораларнинг ахборот хизматига бириктирилган ходимлари малакасини ошириш ҳамда журналистлар билан ҳамкорликни кучайтириш мақсадида ташкил этилди.

○ **Термиз ахборот технологиялари ва маиший хизмат касб-ҳунар коллежида «Нолегал миграция ва унинг оқибатлари» мавзуида семинар бўлиб ўтди. Тадбир Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг Сурхондарё минтақавий ахборот-таҳлил маркази ҳамда «Истиқболли авлод» ахборот-маърифат маркази ҳамкорлигида ўтказилди.**

○ Фарғона давлат университетида Фарғона вилояти ҳокимлиги ва "Шарқ" нашриёт-матбаа акционерлик компанияси ҳамкорлигида ташкил этилган китоб маркази иш бошлади. Марказдан сўнгги йилларда нашр этилган бадиий адабиётлар ва ўқув қўлланмалари кенг ўрин олган.

Мамлакатимизда Оролбўйида юзага келган экологик муаммоларни бартараф этиш, аҳолини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. “Экосан” халқаро ташкилоти ҳам ана шу хайрли ишларга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

# “Экосан”нинг хайрли тадбирлари

– Тиббий муассасалар билан ҳамкорликда қишлоқ жойларида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, санитар-гигена ва экологик маданиятни такомиллаштириш, юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш мақсадида кўплаб тадбирлар ўтказиб келинаётир, – дейди "Экосан" халқаро ташкилоти Қорақалпоғистон Республикаси филиали раҳбари Нурлибек Мирзамуродов. – Шунингдек, бир қатор ташкилотлар ташаббуси билан ташкил этилагн "Она ер ёшлар қўлида" республика кўрик-танловида ҳам асосий эътибор ёш қишлоқ мулкдорларнинг табиатни муҳофаза этиш борасида амалга ошираётган ишларига қаратдик.

Маълумки, ушбу ҳудудда аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш долзарб вазифалардан ҳисобланади. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда "Экосан" халқаро ташкилоти ва Қонликўл тумани ҳокимлиги ҳамкорликда Қонликўл ва Наврўз аҳоли пунктларида 33 миллион сўмлик лойиҳа ишларини амалга оширилмоқда. Ўтган йили Қорқалпоғистон Республикасига бир неча маротаба инсонпарварлик ёрдамлари топширилди.

"Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили"да 2009-2010 йилларга мўлжалланган "Қишлоқнинг турмуш маданиятини ижтимоий-гигеник ва экологик жиҳатларини яхшилаш" дастури доирасида бир қатор хайрли тадбирлар давом эттирилади.

**Давуд АБИБУЛЛАЕВ, “Қишлоқ ҳаёти” мухбири**

*Қорақалпоғистон Республикаси*

# ТАДБИРКОР АЁЛЛАР МАРКАЗИ

Қишлоқ жойларда бандлик муаммосини ҳал қилиш, янги иш ўринларини яратиш, хусусан, хотин-қизларни фойдали меҳнатга жалб қилиш борасида Хива туманида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

— Қишлоғимизда «Тадбиркор аёллар» маркази иш бошлади, — дейди тумандаги Эски қиёт маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Дилором Раҳимова. — Шу қисқа даврда марказ кўпчиликнинг эътиборига тушди. Тикув ва тўқув машиналари билан жиҳозланган ушбу масканда қирққа яқин хотин-қиз меҳнат қилмоқда.

— Зардўзлик ҳунарини эгалламоқчи бўлган қизларимизни Бухоро шаҳрига ўқишга юбордик, — дейди «Тадбиркор аёллар» маркази раҳбари Марямбиби Нурматова. — Ҳозир улар тикаётган кийимларни кўриб кўз қувонади. Айни пайтда тикувчилик ва тўқувчилик сир-асрорларини ўрганиш истагида марказимизга келаётган опа-сингилларимиз сафи тобора кенгайиб бормоқда.

Хоразм вилояти хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан бир гуруҳ тадбиркор аёллар марказга келиб, бу ерда амалга оширилаётган ишлар билан танишдилар. Бундай марказларни қишлоқ жойларда ташкил этиш орқали хотин-қизларнинг бандлик даражаси ва даромадини оширишга кўмаклашиш зарурлиги таъкидланди. Марказга янги тикув машиналари совға қилинди.

**Ш.ХУДОЙБЕРГАНОВ, ЎзА мухбири.**

*Хоразм вилояти*

# СЕЛЕКЦИЯ ВА УРУҒЧИЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Қашқадарё вилоятида ғаллачилик ва пахтачиликнинг илмий базасини янада мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Қашқадарё бошоқли дон экинлари селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқоти институти ташкил этилди.



Қарорда ғаллачилик ва пахтачилик соҳасида илмий-тадқиқот ишларини янада чуқурлаштириш, Қашқадарё вилоятида бу борада фаолият юритувчи илмий муассасаларнинг моддий-техника базасини модернизация қилиш, қаттиқ ва юмшоқ буғдойнинг минтақа табиий-иқлим шароитига мос тезпишар ва қурғоқчиликка чидамли янги навларини яратиш ишларини жадаллаштириш алоҳида қайд этилган.

Ана шу мақсадлардан келиб чиқиб Касби, Қарши, Шаҳрисабз туманларида 285 гектар суғориладиган майдон, Чироқчи туманида 500 гектар, Қамаши туманида 200 гектар лалми ер майдони мутахассисларнинг илмий изланишлари учун ажратилди. Қаттиқ ҳамда юмшоқ буғдойнинг янги навларини яратиш мақсадида 3150 турдан ортиқ бошоқли дон навлари экилди. Шундан 315 таси қаттиқ буғдой нави бўлиб, улар Мексика, Россия, Украина мамлакатлари мутахассислари томонидан ўтказилган таҳлилларда энг юқори ҳосил берган. Бундан ташқари, сифат кўрсаткичлари бўйича 90 та нав саралаб олиниб, ерга уруғ қадалди.

– Биз бу навларнинг униши ва ҳосилга кириши бўйича кузатув, селекция ишларини олиб борамиз, – дейди илмий-тадқиқот институти директори, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди Зоҳид Зиёдуллаев. – Қурғоқчиликка чидамли, дони юқори сифатга эга ҳосилдор навларни яратишни кўзлаб тадқиқотлар, таҳлиллар ўтказяпмиз. Шаҳрисабзда тоғолди, Қаршида мўътадил, Касбида чўл минтақаси шароитида, жаъми учта тажриба майдонида айни кунда иш жуда қизғин.

Маълумки, ҳаво ҳарорати шимолдан жанубга томон исиб боради. Ҳарорат ошган сайин буғдой ҳосили таркибида оқсил модда миқдори янада ортади. Янги навли буғдойнинг сифат даражасини, иқлим шароитларига чидамлилигини ошириш ғалла майсаларини ўғитлаш, селекциялаш ва суғориш агротехника йўли билан амалга оширилади. Айни пайтда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган доннинг 90-93 фоизи учинчи синфга қабул қилиняпти. Институтимиз мутахассис-олимлари зиммасидаги асосий вазифа 1 ва 2-синф талабларига жавоб берадиган, яъни жаҳон бозорида қиммат нархланадиган дон навларини етиштиришдан иборат.

Ҳозирда супер-элита уруғларини ишлаб чиқариш бўйича 460 гектар майдонга қаттиқ буғдойнинг "Крупинка", "Олмос", "Дурдона", "Макуз-3", "Наврўз", юмшоқ буғдойнинг "Зомин-1", "Таня", "Москвич" навлари экилган бўлиб, бу навлардан юқори даражада ҳосил кутилмоқда.

Албатта, бу кенг кўламли ишлар махсус техникалар воситасида амалга оширилади. Бир миллиард 239 миллион сўмлик қишлоқ хўжалиги техникаларини харид қилишни режалаштирганмиз. Биринчи навбатда Австриянинг "XERE-25" русумли селекцион комбайнлари, сеялкалар ва бошқа селекцион механизмлар сотиб олинади.

Бундан ташқари, доннинг сифат кўрсаткичларини аниқлаш лабораториялари, касалликларга ташҳис қўйиш бўйича диагностика маркази, илмий лабораториялар ҳам ташкил этилмоқдаки, янги навларни яратишда уларнинг фаолияти ҳам муҳим аҳамият касб этади. Лабораторияларда икки йўналиш бўйича илмий изланишлар олиб борилади: биринчиси — сув танқис жойларда бошоқли дон экинларининг янги навларини етиштириш агротехникаси, иккинчиси — турли касалликлар, зараркунандалар ҳамда бегона ўтларга қарши кураш. Ҳар икки йўналиш бўйича илмий изланишлар натижаси ўлароқ, агротавсиянома ишлаб чиқилади ва уларнинг ҳаётга татбиқ этилиши таъминланади.

Айни пайтда институтда 77 иш ўрни мавжуд. Маъмурий бино ва илмий-тадқиқот лабораториялари жойлашган иншоотлар Шўртан газ-кимё мажмуаси ҳомийлигида таъмирланяпти. Маъмурий бино таркибида ўсимликлар сунъий ўстириладиган махсус иссиқхона барпо этиляпти. 2009-2011 йилларга мўлжалланган грант лойиҳалари эълон қилиниб, илмий-тадқиқот институти жамоаси учта лойиҳа бўйича иштирок этмоқда. Яқин кунларда институтда селекция ва уруғчилик, ўсимликшунослик ихтисоси бўйича аспирантура ҳамда докторантура очилади.

– Мен ана шундай юксак илмий салоҳиятга эга бўлган илмий-тадқиқот институтларини Киев ва Москва шаҳарларида кўрган эдим, – дейди Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти профессори, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори Исматулло Эрназаров. – Ушбу институтда мавжуд кенг имкониятлар мамлакатимизнинг жанубий минтақасида бошоқли дон экинлари селекцияси ва уруғчилигида янги истиқболларни очади. Бу имкониятлар истиқлол шарофатидан, қолаверса, муҳтарам Президентимизнинг юртимизда дончилик равнақи йўлидаги ғамхўрлиги мевасидир.

**Ҳусан ТЕМИРОВ, “Қишлоқ ҳаёти” мухбири.**

*Қашқадарё вилояти*

“Ўзбекистон темир йўллари” миллий компанияси томонидан Сирдарё вилоятида янги темир йўл тармоғи қурилиши бошланди. Энди Тошкентдан келаётган поездлар Янгиер шаҳри яқинида йўналишини ўзгартириб, Даштобод станциясига борадиган бўлади.

# ТЕМИР ЙЎЛНИНГ ЯНГИ ТАРМОҒИ

Қурилиш ишларини Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон темир йўли қурилишида иштирок этиб, тажриба тўплаган йўл қурувчилари амалга оширади. Қурилажак темир йўл устига кўприк солиш ҳам режалаштирилган. Кўприк қурилишини эса Амударё дарёси устига кўприк солган бунёдкор қурувчилар ўз зиммасига олишган.

Яқинда бу ерда янги тармоқ қурилиши бошланиши муносабати билан кенг жамоатчилик иштирокида тантанали маросим ўтказилди. Маросимда Ўзбекистон темир йўллари ДАТК бошқаруви раиси Очилбой Раметов ва Сирдарё вилояти ҳокими Абдураҳим Жалолов иштирок этди.

Маросимда бунёдкорлик ишларини бошлашга ишора сифатида рамзий қозиқ қоқилгач, қурувчилар жадаллик билан ишга киришдилар.

**Шомурод ХОЛМУРОДОВ, “Қишлоқ ҳаёти” мухбири.**

*Сирдарё вилояти*

Qishloq hayoti — Қишлоқ ҳаёти

**МУАССИСЛАР:**

*Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар —*

**Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, “Ергеодезкадастр”, Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмиталари, “Ўздонмаҳсулот”, “Ўзкимёсаноат”,“Ўзагросуғурта”, “Ўзвиносаноат-холдинг”, “Ўзбекенгилсаноат”, “Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” компаниялари, “Ўзпахтасаноат”, “Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати”, Ўзбекистон фермер хўжаликлари, “Ўзагромашсервис”, “Ўзгўштсутсаноат” уюшмалари, “Пахта Банк”, “Ғаллабанк”, Халқ банки, “Гидрометеорология” бош бошқармаси, Агросаноат ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши, “Ўздавдонинспекция”, “Сифат” маркази**

ҚАРОР ВА ИЖРО

Акциядорлик-тижорат "Пахта Банк" йил сайин иқтисодий мавқеини мустаҳкамлаб бораётган молия муассасаларидан бири ҳисобланади. Бир неча бор халқаро миқёсда эътирофга сазовор бўлганлиги ҳам фикримизнинг далилидир. Мазкур молия муассасаси айниқса қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни ривожлантиришда тармоқ ходимларининг энг ишончли ҳамкорига айланган.



# БАНК САРМОЯСИ – ҚЎШИМЧА ИШЧИ ЎРНИ, МАҲСУЛОТ ДЕГАНИ

## "Пахта Банк"нинг Андижон вилояти бошқармаси кредитлари тараққиётга хизмат қилмоқда

Ушбу банкнинг Андижон вилояти бошқармаси қишлоқ хўжалиги, саноат, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришга ўзининг муносиб улушини қўшиб келмоқда. Банк мижозларга кредит ажратиш, лизинг, факторинг, халқаро кредит линиялари орқали кредит ажратиш хизматларини кўрсатмоқда. Аҳоли учун қулай фоизли тўловлар шартлари асосида депозитлар қабул қилинмоқда. Валюта айирбошлаш, пластик карточкалар орқали ҳисоб-китоблар ва консалтинг хизматлари кўрсатиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумати томонидан қабул қилинган Фармон ва қарорлар ижроси таъминланаётганлиги тармоқ ривожига хизмат қилмоқда. Бой-бадавлат, халқ тили билан айтганда миллионер фермерлар сафи йилдан-йилга кенгайиб бораётганлиги кишини қувонтиради. "Пахта Банк"нинг вилоят бошқармаси томонидан 2008 йилда фермер хўжаликларига 7 миллиард 295,2 миллион сўм миқдорида кредит ажратилди. Бу деҳқонча қилиб айтганда, юзлаб, ҳатто, минглаб фермерларнинг мушкулини осон қилди, иқтисодий имкониятларини оширишда муҳим омил бўлди.

Деҳқон ва фермер хўжаликларига қорамол, парранда сотиб олиш учун 1 миллиард 886 миллион сўм кредит берилди. Бугун қайси бир фермер хўжалигида бўлманг, сут, қатиқ, қаймоқ, парҳез товуқ гўшти, тухум ўзидан чиқаётганини гувоҳи бўласиз. Деҳқон хўжаликларига шахсий томорқада қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун сабзавот ва картошка уруғлари, мева ва узум кўчатлари сотиб олишнинг ўзига 588,1 миллион сўм миқдорида кредит ажратилди. Банк ёрдами билан фермерлар "Клаас-Доминатор-130" дон ўриш комбайни, "ВТ-150", "ТТЗ-80", "ТТЗ-100", "МТЗ-80" тракторлари ва бошқа чопиқ тракторлари, омоч тиркамалари, культиваторлар, сув чиқариш насослари ва эҳтиёт қисмлар олишга эришди.

Кейинги йилларда ҳукумат томонидан паррандачиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Бир пайтлар вилоятда етти хазинанинг бири ҳисобланган паррандачилик жуда ривожланган эди. Йиллар ўтиб паррандачилик хўжаликлари парокандаликка дучор бўлганди. "Пахта Банк"нинг Хўжаобод бўлими ва "Golden bird" масъулияти чекланган жамияти ўртасида 100 миллион сўм миқдорида кредит шартномаси тузилиб, кредит маблағи ажратилди. Ҳозирги кунда масъулияти чекланган жамиятда 18 та янги ишчи ўрни яратилди. 25 минг бош товуқ парвариш қилинаётир. Товуқлар январь ойида тухумга кирди.

Ўтган йили ташкил этилган "Хилол нур ёғдуси" хусусий корхонаси "Пахта Банк"нинг Куйганёр бўлимидан 3 йил муддатга 30 миллион сўм кредит олганди. Хусусий корхона бир ойда 24 тонна пахтани қайта ишлайдиган ускуна сотиб олди. Бир ойда бу корхона 17 миллион 280 минг сўмлик маҳсулот сотмоқда. Шу кунгача корхона 6 миллион 912 минг сўм фойда олишга эришди. Беш нафар қишлоқ аҳли иш билан таъминланди. Куйганёр бўлимининг яна бир мижози "Крисс мар мебель" хусусий корхонаси уч йил муддатга 50 миллион сўм кредит олганди. Кредит маблағи ҳисобига сотиб олинган дастгоҳда бир ойда 8 миллион 764 минг сўмлик мебеллар тайёрланмоқда. Шу кунгача 35 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилди. Энг қувончлиси, янги дастгоҳ ўрнатилиши натижасида қўшимча тўққиз нафар киши ишга жойланди.

Фермер хўжаликларига банк хизмати кўрсатиш ва уларнинг иқтисодий ривожланишига амалий ёрдам бериш мақсадида вилоят бўйича "Пахта Банк"нинг жами 57 та минибанклари фаолият юритмоқда. Бугунги кунда минибанклар томонидан 1919 дан ортиқ мижозга хизмат кўрсатилаётир. Мижозларнинг 80 фоизини фермерлар ташкил қилади. Фермер хўжаликларига минибанклар орқали имтиёзли кредитлар ажратиш йўлга қўйилган. Минибанкларда сифатли банк хизматлари кўрсатиш учун ходимларнинг малакасини ошириш мақсадида ҳар чоракда семинарлар ўтказиб борилаётир. Семинарларда минибанкларда тез ва самарали хизмат кўрсатиш, мижозларга қулайликлар яратиш ҳамда сервис хизматлари сифати даражасини ошириш бўйича амалий тавсиялар ва кўрсатмалар берилади.





Аҳолидан коммунал тўловларни қабул қилиш бўйича туман бўлимларидаги газ, электр тармоқлари билан кўчма кассалар, махсус касса шохобчалари ташкил қилинди.

– Кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш ва уларга молиявий кўмак беришга алоҳида эътибор қаратяпмиз, – дейди "Пахта Банк"нинг Андижон вилояти бошқармаси бошлиғи Хайрулла Солиев. – Шу мақсадда ўтган йили 6 миллиард 380,9 минг сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди. Шундан 4 миллиард 808,4 миллион сўм банкнинг ўз маблағлари, 1 миллиард 87,5 миллион сўми бюджетдан ташқари жамғарма маблағлар, 485 миллион сўми эса Осиё Тараққиёт Банки маблағлари ҳисобидан ажратилди. Бюджетдан ташқари жамғарма маблағлари ҳисобидан берилган 1 миллиард 87,5 миллион сўм кредит ҳисобига 768 та янги ишчи ўрни яратилди. Кичик бизнес йўналиши бўйича барча молиялаш манбалари ҳисобидан деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ажратилган 1 миллиард 197,1 миллион сўм кредит шарофати билан 393 та ишчи ўрни ташкил этилди. Бу шуниси билан муҳимки, иш ўрнига эга бўлган ҳар бир кишининг оиласига қувонч ва молиявий мадад кирди, натижада ўша оиланинг ижтимоий аҳволида ижобий ўзгариш содир бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ 238 та ёш оилаларга 485,4 миллион сўм миқдорида микрокредитлар берилди. Бунинг натижасида 311 та ишчи ўрни ташкил қилинди. Ундан ташқари, ёш оилаларга 521,3 миллион сўмлик истеъмол кредитлари ажратилди.

Ҳисоб-китобнинг халқаро тан олинган пластик карточкалар ёрдамида амалга ошириш усули ҳам йил сайин оммалашиб бораётир. Банкнинг вилоят бошқармаси ва унинг филиаллари томонидан ўрнатилган 350 та терминалларда пластик карточкалар билан ҳисоб-китоб қилинаётир. Терминалларнинг 15 таси банкнинг минибанк касса шохобчаларига, қолганлари АЁҚШларга ва ҳар хил турдаги савдо шохобчаларига ўрнатилган. Шу терминаллар орқали 2008 йил давомида 4 миллиард 331 миллион 38 минг сўмлик товар айланмаси ёки 102 минг 324 дона транзакция ва касса терминалларидан 4 миллиард 341 миллион 43 минг сўм нақд пул берилган ёки 100 минг 935 дона транзакция ўтказилди. Кўриниб турибдики, терминаллардан товар айланмаси 2008 йилда 2007 йилга нисбатан 2,17 баробар ошган. Вилоят бўйича жойлаштирилган пластик карточкалар, шу жумладан, иш ҳақи лойиҳасида ишлаётган карталар сони ҳам 2,83 баробар ортган.

АТ "Пахта Банк"нинг салоҳиятини ошириш, мижозлар ишончига янада сазовор бўлиш, кенг оммага барқарорлигини намойиш этиш, шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш учун алоҳида эътибор қаратилаётир. 2008 йил 1 январь ҳолатига жами омонатлар 5 миллиард 380 миллион сўм, шундан муддатли омонатлар 3 миллиард 980 миллион сўмни ташкил этган бўлса, 2009 йил 1 январь ҳолатига жами омонатлар 9 миллиард 120 миллион сўм, шундан муддатли омонатлар 6 миллиард 975 миллион сўмни ташкил этди. Бир йилда жами омонатлар 3 миллиард 741 миллион сўм, муддатли омонатлар эса 2 миллиард 995 миллион сўмга ўсди. Депозит бозорини чуқур ўрганган ҳолда ҳамда бозор иқтисодиётининг талаб ва таклифидан келиб чиқиб, аҳолининг бўш пул маблағларини банк депозитларига жалб этиш мақсадида "Пахта Банк" тизимида омонатнинг 19 дан ортиқ турлари мавжуд. Улар аҳоли ўртасида катта қизиқиш уйғотди. Одамлар ўзлари учун мақбул ва фойдали омонат турларига маблағларини қўймоқдалар.

Ҳа, биз "Пахта Банк"нинг Андижон вилояти бошқармаси ва филиалларидаги мижозлар билан қилган мулоқот чоғида қайсики мижоз "Пахта Банк"ни танлаган бўлса, уларнинг ишлари бароридан келиб, даромадларига даромад қўшилаётгани хусусида мамнуният билан фикр билдирилганининг гувоҳи бўлдик. Хизмат кўрсатишни яхшилаш, кичик ва ўрта тадбиркорлик соҳасида фаолият кўрсатаётган мижозларни қўллаб-қувватлаш, имтиёзли кредитлар ажратиш борасидаги ишларни йўлга қўйиш ва шу аснода банк даромадини кўпайтириш ҳамда бизнес режада белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида астойдил ҳаракат қилаётган банк ходимлари ҳузуридан бир олам таассуротлар билан қайтдик.

**Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

*Муаллиф олган суратлар.*

*Андижон вилояти*



# ЕРДАН НОҚОНУНИЙ ФОЙДАЛАНИШГА ЙЎЛ ЙЎҚ

– Бобом доимо бизларга ердан қадаминг узилмасин, замин билан бизнинг тақдиримиз узвий боғлиқ, деб бот-бот такрорлар эдилар. Ўша пайтлари ёш бўлганлигим сабабли бу гапларнинг маъно-моҳиятини унчалик тушунмаганман. Ақлимни таниб, ўқиб, улғайгач, билдимки, замин биз учун зарур бўлган барча неъматларни етиштириб берар экан, – дейди Қорақалпоғистон Республикаси Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси бошлиғи Жумабой Аллашов. – Бугунга келиб ерга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Президентимиз ҳамда ҳукуматимизнинг соҳага бўлган эътибори, ғамхўрликлари яққол сезилаётир. Қабул қилинган ҳужжатларни фаолиятлари учун дастуриламал қилиб олган фермерлар ўзини ҳам, давлатни ҳам бойитиб бораётир.

Жумабой Аллашовнинг таъкидлашича, бошқарма ва унинг тизимида фаолият юритаётган ҳудудий бўлимлар зиммасига ердан фойдаланиш ва унинг муҳофазасини назорат қилиш бўйича махсус ваколликка эга давлат органи сифатида юридик ва жисмоний шахслар маҳаллий ҳокимиятлар томонидан соҳага доир қонун талабларининг бажарилишини таъминлашни назорат қилиш вазифаси юклатилган.

Юқорида тилга олиб ўтилган масъулиятли вазифаларни уддалаш учун етарли малака ва билимга эга бўлган мутахассислар жалб этилган. Улар ердан фойдаланиш ва унинг муҳофазасини назорат қилиш бўйича ўз ваколатлари доирасида қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олиш, қишлоқ хўжалиги ва бошқа тоифадаги ерларнинг бузилиши, ерлардан хўжасизларча ва самарасиз ёки бошқа мақсадларда фойдаланганликда, хўжалик ички ер тузиш лойиҳаларидан четга чиқиш, шунингдек, ерларни ноқонуний равишда эгаллаб олиш, алмаштириш ҳолатларини назорат қилади. Текширишларни мувофиқлаштирувчи республика Кенгашининг тегишли қарори билан тасдиқланган иш режасига асосан бошқарма томонидан ўтган йили 72417,8 гектар майдон, яъни 47 та объект текширилди. Натижада, 70152 гектар майдонда 47 та қонун бузилиш ҳолатлари аниқланди. 16 та ҳолатда эса 209,3 гектар экин ер майдонларидан хўжасизларча ёки самарасиз фойдаланилган. Масалан, Тўрткўл туманидаги "Машарип ота" фермер хўжалигида ўтказилган текшириш натижасида 17,9 гектар ҳайдаладиган ер майдони фойдаланилмай қолганлиги сабабли "Ер кодекси"нинг 40-модда 1-банди талаблари бузилганлиги, яъни ердан хўжасизларча фойдаланиш қонунбузарлиги қайд қилинди. Фермер хўжалиги бошлиғи Е.Матюсупов қонун талабларига асосан жаримага тортилди.

*Кадастр*

Қўнғирот туманидаги "Адил-К" фермер хўжалиги раҳбари Ж.Қурбонов 10,2 гектар ҳайдаладиган ер майдонидан фойдаланмаган. Қонун талаблари бузилганлиги учун у маъмурий жавобгарликка тортилиб, белгиланган миқдордаги жарима ундириб олинди.

Олиб борилган текширишлар натижасида 31 ҳолатда 69942,7 гектар ер майдонида давлат ер кадастри юритиш қоидалари бузилганлиги маълум бўлди. Мўйноқ туманидаги "Баҳром" фермер хўжалиги раҳбари Г.Палуанова жами 48,9 гектар, Тўрткўл туманидаги "Антиқа" фермер хўжалиги раҳбари Ш.Раджапов эса 125,9 гектар ер майдонидан фойдаланиш ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказмасдан туриб "Ер кодекси" талабларини бузганлиги аниқланди. Улар белгиланган тартибда маъмурий жавобгарликка тортилиб, жарима ундириб олинди. Шунингдек, аниқланган қонун бузилиш ҳолатлари бўйича 47 та маъмурий иш қўзғатилиб, 2140745 сўм миқдорида жарима солинди.

Бошқарма тизимида фаолият юритаётган мутахассислар томонидан жойларда аниқланган хато ва камчиликларни ўз вақтида бартараф қилиш мақсадида туман ҳокимларига 18 та, ердан фойдаланиш масалалари бўйича фермер ва ташкилот раҳбарларига 5 та, жами 23 та тақдимномалар юборилди.

Ердан самарали ва оқилона ҳамда белгиланган мақсадларда фойдаланиш, қонун бузилишларнинг олдини олиш юзасидан мунтазам равишда тушунтириш ишлари олиб борилаётир. Масалан, ўтган йили республика газеталарида мақолалар, радио ва телевидениеда мунтазам чиқишлар ташкил этилди. Хўжайли, Қонликўл, Мўйноқ, Нукус, Кегайли, Қораўзак туманларида кўргазмали семинарлар ўтказилиб, жами 276 та қўлланмалар тарқатилди. Олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар натижасида жойларда ерга бўлган муносабат яхши томонга ўзгараётир.

– Президентимизнинг "Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони соҳада бошланган ислоҳотларни янада кучайтиришга хизмат қилмоқда, – дейди бошқарма бошлиғи Жумабой Аллашов. – Зироатчилик борасида ижобий ўзгаришлар юз беради. Олиб борилаётган амалий ишлар шундай хулоса чиқаришимизга асос бўлади.

Қорақалпоғистон Республикаси ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати давлат унитар корхонасига ўз соҳасини пухта биладиган, етарли ҳаётий тажрибага эга бўлган фан номзоди Омарбек Комолов раҳбарлик қилади. Омарбек оға қачон қараманг корхона ташвишлари билан елиб-югуриб юрган бўлади. Жамоадаги аҳиллик, иноқлик ҳам балки шундандир.

–Корхонамиз асосан ерга, бино ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш, кўчмас мулк объектларига кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш билан шуғулланади, – дейди мазкур корхона бош муҳандиси Арислон Достназаров. – Хизматга қарашли бўлган 14 та туман ва 2 та шаҳар бўлимларимизда тажрибали ходимлар тер тўкишади. Барча хизмат ва бўлимлар зарур анжом, алоқа воситалари, топо-геодезик асбоблар, компьютерлар, оргтехника ва хизмат транспортлари билан таъминланган. Бундан ташқари, замонавий типо-геодезик анжомлар, "Leika" (Швейцария) электрон тохсометри ва GPS аппаратлари мавжуд. Жамоада 170 нафар ходим ишлайди. Ҳозирги кунда "Урганчтрансгаз" объектлари, "Тахиатош ТЭС" корхонасида кадастр, қидирув ишлари олиб борилаяпти. Нукус шаҳри маъмурий чегарасини аниқлаш ишлари, юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган турар ва нотурар жойлар, бино ва иншоотларнинг хатлов баҳосини қайта ҳисоблаш ишлари якунланиш арафасида. 2009 йилда аҳоли яшаш жойларини хатловдан ўтказиш бўйича кенг кўламдаги ишларни бажариш режалаштирилган.

"Ўздаверлойиҳа" институтининг Қорақалпоғистон Республикаси бўлими томонидан 2008 йил давомида давлат буюртмасига биноан тузилган шартномалар тўлиқ бажарилди. Барча қишлоқ хўжалиги корхоналари ерларининг норматив баҳосини аниқлаш, Нукус ва Элликқалъа туманлари ер эгалари ва ердан фойдаланувчилари ерларини хатловдан ўтказиш, туманлар электрон рақамли хариталарини яратиш, Мўйноқ тумани ҳудудидаги яйловларни хатловдан ўтказиш ишлари шулар жумласидандир. Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси билан тузилган шартнома асосида 94130,9 минг сўмлик ишлар бажарилди. Бўлим томонидан 2009 йилда 2 туманда ер майдонлари, битта туманда яйловлар хатлови, битта туманда хўжаликлараро ер тузиш лойиҳаси, Хўжайли, Қораўзак туманлари электрон хариталарини яратиш ишлари режалаштирилган.

Бир сўз билан айтадиган бўлсак, Қорақалпоғистон Республикаси Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси ҳамда ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати давлат корхонаси жамоаларининг эзгу ниятлари битта – у ҳам бўлса, одамларда заминга бўлган муносабатни бугунги кун талаблари даражасига кўтаришдан иборат.

**Улуғбек ЖУМАЕВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

*Қорақалпоғистон Республикаси*

# ЯНА БИР ҚУЛАЙЛИК

***Қарши шаҳридаги Ўзбекистон кўчасида замонавий дизайн асосида қайта таъмирланган тўрт қаватли бинога МТСнинг офиси кўчиб ўтганига кўп вақт бўлгани йўқ.***

Ўзбекистонда МТС савдо белгиси остида уяли алоқа хизмати кўрсатаётган "Ўздунробита" корхонаси вилоят аҳолисининг эътирофига сазовор бўлмоқда.

МТСнинг янги офиси замонавий услубда безатилган бўлиб, унда абонентлар ва хизмат кўрсатувчи ходимлар учун барча шарт-шароитлар яратилган. Бинонинг биринчи қавати 500 квадрат метрдан иборат. У мижозларга хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган. Иккинчи, учинчи, тўртинчи қаватларда эса ўқувлар, йиғилишлар ва матбуот анжуманлари ўтказиш учун конференц-зал, архив, сервис ва маъмурият хоналари ҳамда бошқа хоналар жойлашган.

— Биз мустақиллик шарофати билан 1995 йилдан буён фаолият кўрсатаяпмиз, — дейди "Ўздунробита" компаниясининг Қашқадарё филиали директори Усмон Хушвақтов. — 2008 йили тоғлик Деҳқонобод тумани аҳли ҳам МТС хизматидан баҳраманд бўлиши йўлга қўйилди. Абонентлар сони сўнгги олти йил ичида 1,5 минг нафардан 350 минг нафарга етгани ҳам бу соҳада ишимизнинг салоҳиятини кўрсатиб турибди. Кескин рақобат туфайли кейинги 13 йил ичида уяли алоқанинг бир дақиқаси учун олинаётган хизмат ҳақи миқдори ўртача 40 баравар арзонлашди.

**Ҳусан ТЕМИРОВ**

*Қашқадарё вилояти*

ГУМИМАКС – Россиядаги "Уралэкосоил" ёпиқ акциядорлик жамоаси томонидан суюқ, паста ҳамда гранула ҳолида ишлаб чиқариладиган замонавий ўғит бўлиб, ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишини бошқаришда, шунингдек адаптоген, антидот ҳамда иммуномодулятор сифатида юқори самарали, экологик безарар табиий торф-гумин бирикмалари мажмуасидан иборат. Унинг таркибида ўсимликлар учун ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган биологик фаол моддалар: калий ва натрий гуматлари, гумин кислоталари ҳамда фульвокислоталарнинг 18 хилдаги микроэлементлари, 15 номдаги аминокислота, ферментлар ва бошқа табиий бирикмалар мавжуд.

# ГУМИМАКСни қандай ишлатиш керак?

ГУМИМАКС ўғити "Уралэкосоил" жамоаси мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган оригинал технология асосида торфдан олинади. Технологик жараён маҳсулотдаги фойдали компонентлар учун безарар паст иссиқлик режимида амалга оширилади. Мазкур компонентлар эса ўғитнинг юқори биологик самарадорлигини таъминлайди.

Россия Федерациясининг қатор илмий муассасаларида, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти, Ўзбекистон пахтачилик илмий тадқиқот институти, унинг Жиззах, Наманган, Сурхондарё ва Хоразм филиаллари, Андижон суғориладиган ғаллачилик ва донли экинлар илмий тадқиқот институти, Ўзбекистон сабзавот-полиз экинлари ва картошкачилик илмий тадқиқот институти ҳамда унинг Самарқанд таянч пунктида ўтказилган стационар тажрибалар, Андижон, Тошкент ва Қашқадарё вилоятларида ўтказилган ишлаб чиқариш муҳитидаги дала тажрибалари ГУМИМАКС ўғитининг самарадорлиги ва афзалликларини яққол кўрсатди.

*Агромаслаҳатхона*

Аниқланишича, ГУМИМАКС:

— уруғларнинг унувчанлигини оширади, ўсимлик ҳаётининг дастлабки давридан бошлаб ундаги ўсиш ва ривожланиш жараёнларини жадаллаштиради, ҳосилнинг пишиб етилишини тезлаштиради;

— ўсимликларда шохланган, бақувват ва чуқур кетган илдиз тизими шаклланишини таъминлайди;

— ўсимлик барг сатҳининг катта бўлиши ва унда фотосинтез жараёнининг самарали кечишига имкон яратади;

— адаптоген сифатида ўсимликларнинг қалтис (сув танқислиги, жазирама иссиқ, бевақт совуқ, тупроқ шўрланиши каби) ҳолатларга нисбатан чидамлилигини оширади, ҳосил элементларининг тўкилишини камайтиради;

— тупроқдаги озиқ моддалар ва ўғитларнинг ўсимликлар томонидан ўзлаштирилишини яхшилайди;

— самарали антидот: пестицидларнинг маданий ўсимликларга нисбатан заҳарли таъсирини кескин камайтиради;

— иммуномодулятор сифатида эса маданий ўсимликларни қатор касалликларга қарши чидамлилигини оширади;

— ўсимлик маҳсулотларида зарарли моддалар: нитратлар, радионуклидлар, оғир металлар, пестицид қолдиқлари миқдорини кескин камайтиради;

— ўсимликларнинг ҳосилдорлигини оширади ҳамда барқарор мўл ва эрта пишар ҳосил етиштиришни таъминлайди;

— ҳосилнинг сифатини яхшилайди: маҳсулотдаги оқсил, елимшиқ модда (клейковина), қанд ва витаминлар миқдорини кўпайтиради.

Суюқ ГУМИМАКС ўғити фойдаланиш учун жуда қулай ва ҳеч қандай қўшимча харажат талаб қилмайди, чунки уни уруғ дорилари, гербицидлар ва бошқа пестицидлар билан қўшиб ишлатиш мумкин. Уни ишлаб чиқаришда қўлланилган махсус технология ўғит эритмасини ўсимликларга пуркаш жараёнида агрегат учликларининг (форсункалар) тиқилишига йўл қўймайди.

Ўзбекистонда суюқ ГУМИМАКС ўғити ғўза, буғдой, помидор, бодринг ва картошка сингари ўсимликлардан юқори ҳосил етиштиришни таъминлашда фойдаланиш учун тавсия этилган.

***Шуни унутмаслик лозимки,*** ГУМИМАКС ўғитидан экиш олди уруғликка ишлов бериш ҳамда ўсимликнинг ўсиш даврида камида икки марта пуркаш усулида фойдаланилганида жуда яхши самара беради.

Юқорида айтиб ўтилган тадқиқотларнинг натижалари асосида ГУМИМАКС ўғитидан унумли ва қўшимча сарф-харажатларсиз фойдаланиш мақсадида уни ишлатишда қуйидагиларни тавсия этамиз.

***Уруғликни дорилашда уруғ дориларига қўшиб ишлатиш:*** Суюқ ГУМИМАКС ўғитидан уруғ дориси иш эритмасига 1 тонна чигитга 0,7 – 1 литр, 1 тонна буғдойга 0,6 – 0,7 литр, 1 килограмм помидор ёки бодринг уруғига 0,5 миллилитр ҳисобидан қўшиш ва иш эритмасининг уруғликка бир текис ва сифатли пуркалишини таъминлаш лозим.

***Ўсимликларга уларнинг ўсув даврида пуркаш:*** Суюқ ГУМИМАКС ўғитини ўсимликларнинг ўсув даврида маъданли ўғитларнинг суспензияси, гербицидлар ва бошқа пестицидларнинг иш эритмасига қўшиб ишлатиш, ҳашаротларга қарши курашда фақат биологик усулдан фойдаланиладиган жойларда ўғитларнинг суспензиясига аралаштириб пуркаш ёки имкониятга қараб соф ҳолда ҳам ишлатиш мумкин. Бунда икки марта: буғдойда ўсимликнинг туплаш даврида ҳамда найчалаш даврининг бошида, ғўза, помидор, бодринг ва картошкада ўсимликларнинг шоналаш даврида ва гуллаш даврининг бошида суюқ ГУМИМАКС ўғитидан гектарига 0,2 – 0,3 литр ҳисобидан сарфлаш тавсия этилади.

ГУМИМАКС табиий бирикмалардан таркиб топган ўғит бўлганлиги учун ундан фойдаланишда шахсий гигиена қоидаларига амал қилиш кифоя. Аммо уни пестицидлар билан қўшиб ишлатишда барча ҳимоя чораларига қатъий амал қилиш талаб этилади. Иш пайтида ичиш, чекиш ва овқатланиш ман этилади, коржома ва бошқа ҳимоя воситаларини ечиб, яхшилаб ювингандан кейин овқатланиш ва дам олишга рухсат этилади.

**Ражаббой ОЧИЛОВ,**
**Республика ўсимликларни ҳимоя қилиш марказининг Бош директори.**
**Мардон ТЎРАЕВ,**
**катта илмий ходим, биология фанлари номзоди.**

## 14 февраль — Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд топган кун



Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида истиқлолимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб миллий ўзлигимизни англаш, бебаҳо меросимизни тиклаш, буюк аллома ва мутафаккирларимизнинг ижодий меросини ўрганишга катта эътибор қаратилмоқда. Шу кунларда улуғ шоир ва саркарда Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 526 йиллиги кенг нишонланаётгани ҳам буни яққол исботлаб турибди.

Бобур номидаги халқаро жамғарма аллома ҳаёти ва ижодини мукаммал ўрганишда бир қатор ишларни амалга ошириб келмоқда. Жамғарма ташаббуси билан Бобур ва бобурийларнинг бебаҳо маданий мероси, уларга оид қимматли манбаларни ўрганиш, бобурийлар сулоласи тарихи ва маданияти ҳақидаги қимматли илмий ва бадиий асарларни юртимизга олиб келиш бўйича салмоқли ишлар бажарилди.

# АВЛОДЛАР ЭҲТИРОМИ

— Хорижий мамлакатларга уюштирилган ўндан ортиқ илмий экспедициялар натижасида жамғармамиз тасарруфидаги «Бобур ва жаҳон маданияти" музейида 300 га яқин нодир қўлёзма асарларни тўплашга муяссар бўлдик, — дейди жамғарма раиси Зокиржон Машрабов ЎзА мухбирига. — Улар орасида "Бобурнома"нинг испан тилидаги таржимаси, бу мумтоз асарнинг Ҳайдаробод нусхасининг фотофаксимал нашри алоҳида ўрин эгаллайди. Сўнгги йилларда хорижий мамлакатларда бобуршунослик соҳасида амалга оширилган ишлар қаторида "Бобурнома"нинг хитой ва турк тилларида нашр этилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Маълумки, Бобур Мирзонинг муборак номи нафақат юртимизда, балки Афғонистон, Покистон ва Ҳиндистон сингари кўплаб мамлакатларда ҳам алоҳида эҳтиром билан тилга олинади, унинг ўлмас мероси тадқиқ ва тарғиб этилади.

Мамлакатимиз ва чет элларда бу улуғ зотнинг бой мероси бўйича қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда, ўлмас асарлари ва у ҳақдаги китоблар чоп этилмоқда. Ўтган йили Андижон шаҳрида бўлиб ўтган "Бобур ва бобурийларнинг жаҳон маданияти тарихида тутган ўрни" мавзуидаги халқаро конференция ҳам буни яққол исботлади.

Жаҳон маданияти ва цивилизацияси тараққиётига катта ҳисса қўшган бобурийлар сулоласи ҳақида дунёнинг қатор мамлакатларида турли вақтларда ўнлаб илмий ва бадиий асарлар яратилган. Ана шундай асарларнинг энг сара намуналари билан жамоатчиликни таништириш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Шу мақсадда Бобурнинг қизи Гулбаданбегим ҳақида инглиз адибаси Румер Годен ёзган «Гулбадан» асарининг ўзбек тилидаги таржимаси ўқувчиларга тақдим этилди.

Қамчибек Кенжанинг «Андижондан Бағдодгача» сафарномаси ҳам бугунги бобуршуносликда муҳим изланишлардан бири ҳисобланади. Жамғарма ташаббуси билан ўзбек олимлари ва рассомларининг ижодий изланишлари самараси ўлароқ, «Мовароуннаҳр, Хуросон ва Ҳиндистонда ҳукмронлик қилган темурийлар шажараси» тайёрланди. Унда 30 дан ортиқ темурий ҳукмдорнинг сурати, ҳаёти ва фаолиятига доир маълумотлар замонавий дизайн асосида талқин этилган. Шунингдек, ўтган йили нашрдан чиққан "Бобурнома" учун қисқа изоҳли луғат" китоби ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Бобур номидаги халқаро илмий экспедициянинг Шарқ мамлакатлари бўйлаб уюштирилган сафарлари давомида заминимиздан етишиб чиққан Абу Али ибн Сино, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Аҳмад Фарғоний, Абу Мусо ал-Хоразмий, Лутфий, Алишер Навоий, Али Қушчи, Ҳусайн Бойқаро, Камолиддин Беҳзод каби буюк аждодларимизнинг ҳаёти ва бой илмий-маданий меросига оид кўплаб маълумотлар тўпланди.

Бобур Мирзо қаламига мансуб «Мусиқа сирлари», «Ҳарб иши» асарлари, шунингдек, «Бобурнома»нинг йўқолган баъзи қисмлари ҳозирга қадар топилмаган. Уларни ва шу мавзуга доир бошқа ноёб қўлёзмаларни топиш, юртимизга олиб келиш ва ўрганиш Бобур халқаро экспедициясининг муҳим ва долзарб вазифаларидандир.

Заҳириддин Муҳамад Бобур халқимизнинг фахру ифтихоридир. Бу улуғ зотнинг ижоди, ҳаёти ва фаолияти халқимиз, айниқса, ёш авлод учун ҳамиша ибрат мактаби бўлиб қолаверади.

**ЎзА мухбири Маъсуджон СУЛАЙМОНОВ ёзиб олди.**

# СПОРТ

## "ЖЧ-2010" САРАЛАШ УЧРАШУВИ НАТИЖАЛАРИ

**ФУТБОЛ**

***11 февраль куни Ўзбекистон–Баҳрайн (0:1) учрашуви билан параллел равишда "ЖЧ-2010" саралаш босқичида иштирок этаётган бир қатор терма жамоалар навбатдаги 4-тур учрашувларини ўтказдилар.***

Гуруҳдошларимиз бўлмиш Япония ва Австралия ўзаро муроса кўчасини танлаб, икки томонни ҳам қониқтирадиган 0:0 ҳисобидаги дурангга имзо чеккан бўлса, 2-гуруҳдан жой олган КХДР терма жамоаси ўз уйида Саудия Арабистони терма жамоасини қабул қилиб, 1:0 ҳисобидаги ғалабага эришди. Шунингдек, Жанубий Корея терма жамоаси Эронга сафар қилиб, 1:1 ҳисобидаги дуранг натижани қайд этди.

Биринчи давра баҳслари якунидан сўнг 1 ва 2-гуруҳда вазият қуйидагича кўриниш олди:

**1-гуруҳ**

| Жамоа | Ў | О |
|---|---|---|
| Австралия | 4 | 10 |
| Япония | 4 | 8 |
| Қатар | 4 | 4 |
| Баҳрайн | 4 | 4 |
| Ўзбекистон | 4 | 1 |

**2-гуруҳ**

| Жамоа | Ў | О |
|---|---|---|
| Жанубий Корея | 4 | 8 |
| КХДР | 4 | 7 |
| Эрон | 4 | 6 |
| Саудия Арабистони | 4 | 4 |
| БАА | 4 | 1 |



Жанубий Корея терма жамоаси сардори Пак Жи Сун ўйинда тўп киритиб, жамоасини мағлубиятдан сақлаб қолди.

## Бир оёғи Россияда, иккинчиси Англияда

***Россия терма жамоаси бош мураббийи Гус Хиддинк Англиянинг "Челси" футбол клуби бош мураббийи этиб тайинланди.***

Лекин бу Хиддинк терма жамоадаги фаолиятини тўхтатади, дегани эмас. Тузилган шартномага кўра Гус Хиддинк мавсум охиригача ҳам "Челси", ҳам Россия терма жамоасида бош мураббийлик вазифасини ўтайверади.

Тажрибада кам қўлланиладиган ушбу "ажойиб трансфер"да Роман Абрамовичнинг хизмати бор, албатта. "Челси"нинг эгаси Россия футбол федерациясининг энг асосий таъминотчиси ҳисобланади.

Гус Хиддинк мухбирларга берган интервьюсида агар "Челси" билан ишлар яхши кетса, бутунлай ушбу клуб бошқарувига ўтиши мумкинлигини шаъма қилиб ўтган.



Эслатиб ўтамиз, "Челси"нинг аввалги устози Луис Фелипе Сколари клуб ёмон натижаларни қайд этгани боис ўз вазифасидан озод этилган эди.

**Азиз НУРУЛЛАЕВ**

## Самарқандликлар биринчи

***Самарқанд санъат коллежида вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси, Болалар спортини ривожлантириш, "Маҳалла" хайрия жамғармалари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ҳамкорлигида Фудокан каратэ до бўйича очиқ турнир ўтказилди.***

Республикамизнинг 8 ёшдан 18 ёшгача бўлган юздан ортиқ ўғил-қизлари ғолиблик учун кураш олиб борган ушбу турнирда умумжамоа ҳисобида самарқандликлар биринчи, навоийликлар иккинчи, қашқадарёликлар учинчи ўринни қўлга киритдилар.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ**



# Зайтун хосиятлари

**Зайтун — шифобахш ўсимликлардан бири. У зайтундошлар оиласига мансуб доимий яшил дарахт бўлиб, бўйи 3-7 метр атрофида бўлади. Мева пўсти юмшоқ бўлиб, оғирлиги 10-15 гр. келади. Ўсимлик май-июнь ойларида гуллаб, меваси сентябрь-декабрда пишади.**

Зайтуннинг шифобахшлиги хусусида Абу Али ибн Сино ўзининг "Тиб қонунлари" китобида шундай дейди: "...Ёввойи зайтун шираси қуритилиб, кулча қилинади ва қулоқ оқмасини даволашда ишлатилади... Зайтун ёғига чаён солиб қўйилса, қулоқ оғриғига томизиладиган дориларнинг энг қимматлисидир. Елими кўзга тушган оқ ва мугуз қатламининг дағалланишига қарши ишлатилади..."

Зайтунни газак ўти билан қайнатиб истеъмол қилинса, ичакнинг бураб оғриши тўхтайди, гижжалардан халос бўлинади. Шунингдек, халқ табобати амалиётида зайтун мойи сурги дори сифатида, қориннинг қадалиб оғришида дардни қолдирувчи омил тариқасида ишлатилади. Булардан ташқари, зайтун мойи зидди заҳар сифатида илиқ сут, илиқ сув билан ичилади. Лат ейилганида, қовоқари, жайдари ари чаққанида суртилади. Айрим мамлакатларда зайтун баргларининг экстракти қон босимини туширувчи дори сифатида тавсия этилади.

Биз қуйида жигарда, яъни ўтдаги тош касаллиги билан оғриган беморлар учун зайтун мойи билан даволаш ҳақида лавҳалар бериб ўтамиз.

* Ўтида тош бўлган беморлар овқатланишдан ярим соат олдин бошида ярим чой қошиқдан зайтун мойини истеъмол қилиб, секин-аста ярим стакан миқдорича ичилиши тавсия этилади. Даволаниш муддати 2-3 ҳафта.

* Ўтида тоши бўлган беморлар зайтун мойи ва лимон шарбатидан ўринли фойдаланишлари мумкин. Бунинг учун 0,5 литр зайтун мойи ва 0,5 литр сузиб олинган лимон шарбати тайёрланади. Овқатланишдан 6 соат ўтгач, 4 ош қошиқ зайтун мойи ичилиб ва зудлик билан 1 ош қошиқ лимон шарбати ичилади. Бундай амал ҳар 15 дақиқада такрорланиб турилади. Барча зайтун мойи ичиб бўлингандан сўнг бир йўла қолган лимон шарбати ичилади.

Бир неча кун ўтгач, ўтдаги тошлар оғриқсиз нураб туша бошлайди.

**Маннон НАБИЕВ, доришунос.**




Тошкент вилояти Пскент тумани ҳудудининг Ангрен дарёси бўйида жойлашган "Октябрь 70 йиллиги" боғдорчилик-узумчилик ширкати тугатилиб, "AFSHONA-S" боғдорчилик-узумчилик ширкати ташкил этилганлиги сабабли, Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани учун ажратилган ҳудуддаги ширкат аъзоларини икки ой муддатда қайта рўйхатдан ўтишларини сўрайди. Манзил: Тошкент вилояти, Пскент тумани, Ангрен дарёси бўйи ҳудуди. Тел.: 907-78-33.

ЧП "ELDORADO-SARVINOS" (код по ОКПО 20535973, ИНН 205959704), зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията С.Рахимовского района г.Ташкента, в соответствии с решением учредителя № 1 от 02.02.2009 г., ликвидируется. Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления по адресу: г.Ташкент, С.Рахимовский район, Кара-камыш 2/5, дом 2 А., кв.6. Тел.: 119-61-92.

Тошкент шаҳар Ер муносабатларини тартибга солиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати ДУК томонидан 09.11.07 йилда «MODERN KURILISH SERVIS» МЧЖга берилган 3265-сонли маълумотнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ООО "SHAEVA ZAHROBIBI" (код по ОКПО 22429672, ИНН 300850311), зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Учтепинского района г.Ташкента, расположенное по адресу: Чиланзар Г-9 А мавзеси, 3 дом, 36 квартира, ликвидируется (протокол собрания № 2 от 10 февраля 2009 г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления по тел.: 734-35-33.

Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги хусусий тадбиркор Сайфутдинова Мохира Явмитдиновнага берилган якка тартибдаги тадбиркорни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги 2006 йил 17 январда берилган № 0802130 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Акмал Икромов (ҳозирги Учтепа тумани) ҳокимлиги томонидан 2000 йили Исмоилов Валиджон Азизович номига берилган уй-плани ва хонадонга эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат ордери йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

На основании протокола внеочередного общего собрания участников общества ООО "INVEST ASSETS ASIA" сообщает об уменьшении Уставного фонда с 50 000 долларов США до 1530 долларов США. Для обращения кредиторов тел.: 306-15-08.




Утерянные кадастровые документы, выданный кадастровой службой Зангиатинского района Ташкентской обл. № 1727237870-99-2 от 09.03.2000 г. на СП "UZDutch cheese Co LTD", считать недействительным.

ООО "NODIRABONU SERVIS" сообщает об уменьшении Уставного фонда с 7 200 000 сум до 3 900 000 сум. Претензии принимаются по тел.: 788-78-54.

"SEMURG SARMOYA" МЧЖ таъсисчиларининг 11.02.2009 йил № 3-сонли баённомасига кўра Низом жамғармасини 2 000 000 (икки миллион) сўмдан 1 540 000 (бир миллион беш юз қирқ минг) сўмга камайтирганлигини маълум қилади.

Иностранное ДП "SAMEX GROUP" (код по ОКПО 22229884) сообщает об уменьшении Уставного фонда с 150 000 долларов США до 45 000 долларов США. Претензии принимаются в течение одного месяца со дня опубликования объявления по адресу: Республика Узбекистан, Ташкентская обл., г.Ангрен, ул.Навои, дом 1.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги жамоаси Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходими Х.Хаитбоевга акаси **Муродбек ХАИТБОЕВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги жамоаси "Ўзпахтасаноат" бошқаруви раиси Фарҳод Омоновга волидаи муҳтарамаси **ШАРОФАТ АЯ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

"Ўздонмаҳсулот" акциядорлик компанияси жамоаси компания бошқаруви раиси Эркин Қудратовга акаси **Аҳмад ҚУДРАТОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази жамоалари шу марказнинг Жиззах вилояти бўлими бошлиғи Абдуғани Илашевга падари бузруквори **ИЛАШ БОБО**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги жамоаси "Ўздонмаҳсулот" акциядорлик компанияси бошқаруви раиси Эркин Қудратовга акаси **Аҳмад ҚУДРАТОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Бош муҳаррир Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР КЕНГАШИ

Сайфиддин ИСМОИЛОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Фарҳод ОМОНОВ, Раҳимберди БЎРИЕВ, Ғуломжон ИБРАГИМОВ, Акром АРИПОВ, Саидамин САИДЖАЛОЛОВ, Баҳодир АБДУҚОДИРОВ, Раҳматилла РЎЗИҚУЛОВ, Борий АЛИХОНОВ, Абдураҳмат БОЙМУРОДОВ, Саид АРАБОВ, Муҳаммад ЖУМАГАЛДИЕВ, Виктор ЧУБ, Валерий УСТЮГИН, Шуҳрат ТОШМУРОДОВ, Шуҳрат НУРМАТОВ, Адилбек АХМЕТОВ, Оловуддин ИБРАГИМОВ, Шамсиддин ЭСОНБОЕВ, Зиёвуддин ОБИДОВ.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Ағитай АДИЛОВ, Ғофир АЛИЕВ, Тўланбой КАРИМОВ, Шуҳрат ҒАНИЕВ, Ўктам БАРНОЕВ, Ўткир РАҲМАТ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Жуманиёз ЖАББОРОВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ, Омонулла ЮНУСОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (масъул котиб).

ТЕЛЕФОНЛАР:

Қабулхона — 236-58-83, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 236-54-44, 233-28-04, Котибият — 233-95-17, Реклама ва эълонлар — 236-58-83, 233-44-43, 233-28-04. Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.

ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:

Қорақалпоғистон Республикаси – 585-16-12; Андижон – 224-99-13; Бухоро – 542-05-18; Жиззах – 366-61-16; Навоий – 224-69-08; Наманган -224-81-69; Фарғона – 223-35-98; Самарқанд – 222-29-97; Сирдарё – 372-38-13; Тошкент – 100-29-61; Хоразм – 750-82-39; Қашқадарё – 221-59-40.

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

Ⓣ -тижорат мақола

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Навбатчи: Д.ҚИРҒИЗБОЕВ
Мусаҳҳиҳ: А.НУРУЛЛАЕВ
Дизайнер: Ф.РАСУЛОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2006 йил 6 декабрда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба ("Ҳаёт"-илова), жума кунлари чиқади.

Буюртма Г-117, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

E-mail: kishlokhayoti@rambler.ru

Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 21.30
20017 нусхада босилди. Нашр индекси — 144

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

2345678